



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - mart

584k -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Машарипов Машариб Қазбековичга
Боғот тумани “Усталар” маҳалласи ҳудудига
вақтинча энгил конструкцияли бутка ўрнатишга
рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани “Усталар” маҳалласида яшовчи фуқаро Машарипов Машариб Қазбековичнинг “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча (3,0x3,0) 9,0 квадрат метр ўлчамдаги бутка ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 февралдаги мурожаатини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Усталар” маҳалласида яшовчи фуқаро Машарипов Машариб Қазбековичга “Усталар” маҳалласи ҳудудига (3,0x3,0) 9,0 квадрат метр ўлчамдаги энгил конструкцияли буткани вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Машарипов Машариб Қазбековични “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча (3,0x3,0) 9,0 квадрат метр ўлчамдаги энгил конструкцияли бутка ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Машарипов Машариб Қазбекович “Усталар” маҳалласи ҳудудига вақтинча (3,0x3,0) 9,0 квадрат метр ўлчамдаги энгил конструкцияли бутка ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев